

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ВА ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ**

**НОҚУЛАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТЛАРИДА СОЯ ЭКИШ АГРОТЕХНИК  
ТАДБИРЛАРИ БЎЙИЧА**

# **ТАВСИЯЛАР**

**(Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун)**



**Тошкент – 2022 йил**

**Қирши.** “Ўзгидрометеорология” хизмати маркази маълумотларига кўра, жорий йил март ойида республиканинг барча ҳудудларида сўнгги ўн йилликда рўй бермаган сурункали ёғингарчиликлар кузатилиб, ойлик меъёрдан **3-4 баробар** юқори бўлди.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ёғингарчилик миқдори кўп йиллик меъёр атрофида бўлиб, ҳаво ҳарорати кўп йиллик ҳароратдан анча паст бўлди.

Бу эса ўз навбатида шўр ювилган майдонларда ерларнинг етилишининг ва соя экиш муддатининг кечикишига олиб келмоқда.

Энг муҳими жорий йилда сув танқислиги оқибатида ушбу ҳудудларда тупроқ шўрини ювиш ишлари кечикмоқда.

Шунинг учун кластерлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамда соҳа мутахассисларидан соя экишда илм фан ютуқларига эътибор қаратиб, омилкорлик билан иш тутишлари талаб этилмоқда.

**Ерларни соя экишга тайёрлаш.** Жорий йилда сурункали ёғингарчиликлардан сўнг тупроқни юза қатлами янада кўпроқ зичлашди. Кун исиши билан зич тупроқда нам тез қочади.

Жорий йил шароитида кузда шудгор қилиниб шўри ювилган майдонлар баҳорда икки қаторли зиг-заг борона билан **8-10 см** чуқурликда бороналанади.

Экиш олдидан гектарига соф ҳолда 90 кг фосфорли ва 60 кг калийли ўғитларни 100 фоиз берилиб, ерлар чизель-культиваторлар билан **25-30 см** чуқурликда ишланади.

Кузги шудгор қилинмасдан шўри ювиладиган майдонлар (*кучли даражада шўрланган, қум ва қумоқ, ботқоқлашиб бораётган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар*)да ер етилиши билан челлар текисланиб, минерал ўғитлар юқоридаги меъёрда сепилади ва икки ярусли плуглар ёрдамида **30-32 см** чуқурликда эрта баҳорда ҳайдалади.

Ушбу майдонлар ҳайдалгандан сўнг зах ва шўри қочгандан кейин (*бунга 5-10 кун ва ундан кўп муддат талаб қилиниши мумкин*), тезлик билан чизелланиб (*фақат механик таркиби оғир, ўтлоқи-аллювиал ёки ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар*), сўнг даланинг диагонали бўйича икки қаторли борона билан бороналанади. Механик таркиби енгил ва ўртача бўлган тупроқларда икки қатор енгил борона қилинади.

Оғир механик таркибга эга ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда ерни экиш олдидан кечки соатларда кун чиққунга қадар тайёрлашга эришиш лозим. Акс ҳолда кундуз куни бороналанган ёки чизелланганда ҳосил бўлган кесаклардан жуда тезлик билан нам буғланади, уларни кейинчалик майдалаб, майин тупроқ ҳосил қилиб бўлмайди.

Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий **Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Эллиққалъа** туманлари ва Хоразм вилоятининг аксарият туманларида дала чизелланиб, бороналангандан сўнг, оғир мола билан кўндалангига икки марта мола босилади. Айрим далаларда ушбу тадбир **3-4 марта** ва ҳатто ундан кўп ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасининг **шимолӣ туманларида** ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-аллювиал, тақир ва ботқоқлашиб бораётган ботқоқ-ўтлоқи

тупроқларда ер етилиши билан марза (чел) ва дамбалар текисланиб, сўнг кўндалангига икки қаторли борона билан ишлов берилади. Бошқа агротехник тадбирлар жанубий туманлардагидек амалга оширилади.

**Уруғлик тайёрлаш.** Ушбу ҳудудлар тупроқлари таркибида соя ўсимлигига мослашган туганак бактерияларнинг штамплари мавжуд эмаслиги сабабли, соя экинини экишдан аввал албатта 1 гектарлик 60-70 кг уруғликка 600-800 грамм биоўғитлар (Rizotoptin, Rizobium, Bradirizoibum) сарфланиш меъёрига амал қилган ҳолда ишлов берилиши керак, акс ҳолда соя ўсимлиги илдизида биологик азот тўплашда фаолият кўрсатувчи туганаклар ҳосил бўлмайди.

Нитрагин билан ишлов беришда қуёш нуридан панада бўлган жойда биопрепаратни уруғларга бир хилда сепилади ва уруғлар яхшилаб аралаштирилиб, биров муддат устини мато билан ўраб қўйилади. Нитрагин билан ишлов берилган уруғларни ўша куннинг ўзида экилиши тавсия қилинади. Акс ҳолда, бактериялар ўз кучини йўқотиб самара бермаслиги мумкин. Уруғга биоўғит (Нитрогин) билан ишлов берилмаган тақдирда ҳар бир гектар майдонга соф ҳолда 120 кг дан кам бўлмаган ҳолда азотли ўғитлар билан озиқлантирилиши тавсия этилади.

**Экиш.** Март ойида кузатилаётган сурункали ёғингарчиликлар сояни оптимал муддатларда экиш ишларини бирмунча кечиктирмоқда.

Бундай шароитда тупроқда мақбул намлик ва ҳарорат юзага келиши билан дарҳол соя экиш ишларига киришиш ва қисқа муддатларда яқунлаш лозим.

Сояни экиш учун барча ҳудудлар шароитида тупроқни **0-10 см** қатламдаги ҳарорат **12-14 С** даража бўлганда **энг мақбул экиш муддати** ҳисобланади.

Шунингдек, экишни биринчи навбатда механик таркиби енгил қум ва қумоқ тупроқли ерлардан бошлаш зарур.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида ва Хоразм вилоятида соя экишнинг мақбул муддатлари **25 мартдан 10 апрелгача**;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида эса **1-15 апрель оралиғи** ҳисобланади. Бу муддат об-ҳавонинг келишига қараб **5-7 кун** эрта ёки кеч ўтказилиши мумкин.

Чунки, баҳорнинг илиқ кунларида соя экиш ишлари бир кунга кечиктирилса тупроқнинг **1 см** даги намлиги, агар **3-4 кунга** кечиктирилса **3-4 см** қатламидаги намлик қўтарилиб (буғланиб) кетади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида соянинг ўртапишар ва эртапишар навларини (*Тўмарис Ман-60, Устоз ММ-60, Ойжамол, Ҳосилдор, Гавҳар, Селекта-302, Вилана, Славия, Пруденс, Оптима, Рианна, Ес Ментор ва Веда*) экиш тавсия этилади.

Экиш учун 60 см х 5 см-1, 70 см х 4 см-1 схемаларда, 90 см қатор орасига экилганда 90 см х 3 см-1 ёки қўш қатор экиш самарали ҳисобланади. Соя навлари уруғларининг йирик майдалигидан келиб чиққан ҳолда гектарига 60-70 кг меъёрда уруғлик сарфланиши, ҳар гектар майдонда ўртача 400-450

минг туп кўчат бўлишини таъминлашга эришилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Соя уруғларни экишда СПЧ-4 пневматик сеялкасидан фойдаланиб, уруғларни 4-5 см чуқурликка экиш тавсия қилинади ва ўсимликларни ягоналаш тадбири ўтказилмайди.

**Тўлиқ ундириб олиш.** Экилган уруғлар униб чиққунга қадар ёгингарчилик натижасида қатқалоқ ҳосил бўлса, қатқалоқни юмшатиш ишлари ўтказиш зарур, лекин соя қатқалоқдан кўркмайди.

Соя уруғини униб чиқиши учун 120-130 даража самарали ҳарорат (*10 С даражадан юқори бўлган*) керак бўлади. Тупроқ намлиги 70-75 фоиз бўлганда соя тупроқ намлигида ундириб олинади.

Кластер ва фермерлар соя экиш ишларига ўта масъулият билан ёндошишлари, омилкорлик билан иш кўришлари, олим ва мутахассисларнинг тавсиялари ҳамда илғор тажрибаларга таянган ҳолда бу йил тупроқнинг табиий намида ундириб олиш керак.

Тупроқни шўри ювилган майдонларда тупроқнинг намлигини кочирмасдан соя уруғларини экиб ундириб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан келиб чиқиб, март ойи серёгин келган жорий йилда соя экиш графикларига қатъий амал қилган ҳолда мавсумни уюшқоқлик билан сифатли ташкил этиш, тўлиқ ва соғлом кўчат ундириб олиш, юзага келган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш бўйича зарурий чораларни кўриш талаб этилади.

**Шоличилик илмий-тадқиқот  
институтининг директори**

**М. Сатторов**